



ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ЎРТАСИДАГИ СТРАТЕГИК
ХАМКОРЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ, ШУНИНГДЕК УШБУ
ДАВЛАТЛАРНИНГ БИР-БИРИГА ИҚТИСОДИЙ-СИЁСИЙ ТАЪСИРИ

Алимов Аброрбек Равшанбек ўғли

Аннотация: Ушбу мақолада икки туркий тили давлатнинг ўзаро алоқалари хамда истиқболли дастурлари хамда давлатларнинг халқаро даражадаги ўзгаришларга ҳам сабаб бўлиш масалалари ёритилиб ўтилган.

Калит сўзлар: давлат, БМТ, ШХТ, капитал, трасчегаравий йаша харитаси, маданий-гуманитар.

Annotation: In this article, the mutual relations and promising programs of the two Turkic-speaking countries, as well as the issues of causing changes at the international level of the countries, are covered.

Key words: state, UN, CIS, capital, cross-border economic map, cultural and humanitarian.

КИРИШ

Халқаро муносабатларнинг шакланиши яқин қўшничилик ва чегаравий алоқалардан бошланади. . Тили ва маданияти бир бўлган давлатларнинг муносабатларини шаклланиши хам тарихий ривожланган жараёндир. Шу мақсадда Ўзбекистон ва Қозогистон давлатлари ўзаро тарих орқали боғланиб келажак билан шаклланган иттифоқчи давлатлардир. Ушбу мақолада мазкур давлатларнинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқалари келгуси давр истиқболидаги стратегик режалари ёритилиб ўтилган.

Хар бир давлатнинг энг яқин стратегиг шериги бу бевосита унинг чегарадош қардош қўшниси хисобланади. Ўзбекистон Республикаси жойлашуви жихатдан Марказий Осиё(Ўрта Осиё) худудида эканлиги туфайли унинг энг яқин ва энг катта шу билан бирга нисбатан ривожланган қўшниси бу шубҳасиз Қозогистон Республикасидир. Икки давлатнинг ўзаро муносабатлари умумий дўстлик ва яхши қўшничилик тамоиллари асосида шаклланган..

Собиқ Совет иттивоқининг парчаланишидан сўнг бу пайдо бўлган бир неча суворен давлатлар қаторида бу икки давлатнинг мавжудлиги келгуси халқаро иқтисодий-ижтимоий, сиёсий алоқаларнинг юзага келишига замин яратди. 1992 йил ноябрь ойида Ўзбекистон ва Қозогистон



ўртасида дипломатик мұносабатлар үрнатылди. Бу вақтдан бoshлаб ижтимоий-сиёсий, савдо-иктисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамда күп томонлама ҳамкорликнинг устувор ёналишлари белгилаб берилди.

Хар бир мамлакатнинг узоқ муддатли ва изчил ривожланиши бутун минтақанинг барқарорлиги ва фаровонлиги билан үзвий боғлиқлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргалиқдаги саъй-ҳаракатлар натижасида Марказий Осиёда мутлақо янги сиёсий мұхит вужудга келди. Минтақа халқаро дипломатия, сиёсий фаоллик ва иқтисодий ривожланишнинг янги маркази сифатида шаклланмоқда.

Халқаро ташкилотларга аъзолик бу давлатнинг ташқи сиёсатдаги мавқейини белгилаб беради. Зеро хар бир давлат ташқи сиёсатни бир меъёрда олиб боришни қўллаб қувватлайди. Икки давлат халқаро сиёсат масалаларида бир-бирини қўллаб-қувватлаб, халқаро ташкилотлар – БМТ, ШҲТ, МДҲ, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ва бошқа ташкилотлар доирасида самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Жорий йилнинг февраль ойи ўрталарида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Баҳтиёр Саидов расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлди. Ташриф давомида Ўзбекистон ТИВ раҳбари Президент Қасим-Жомарт Тоқаев томонидан қабул қилинди ва Буш вазир ўринбосари – ташқи ишлар вазири Мурат Нуртлеу билан музокаралар ўтказди.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг учинчи йирик ташқи савдо ҳамкори бўлиб, мамлакатимиз умумий савдо ҳажмининг 9,3 фоизини ташкил этади. Сўнгги беш йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлиш пандемия оқибатларига қарамай барқарор ўсиб бормоқда. 2023 йилда бу кўрсаткич 4,4 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 1250 дан ортиқ Қозоғистон корхонаси, Қозоғистонда эса ўзбек капитали иштирокида 1400 дан ортиқ компания фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон-Қозоғистон ҳамкорлигини ривожлантиришнинг устувор ўйналишларидан яна бири – бу транспорт коммуникациялари соҳасидир. Мамлакатларимиз автомобиль ва темир йўллари ўзаро интеграциялашган. Ушбу мұхим алоқа тармоғи учинчи давлатлар учун транзит вазифасини ўтаяпти. 2023 йилда темир йўл транспортида



халқаро ташиш ҳажми 23,46 миллион тонна, автомобиль транспортида 2,1 миллион тонна, ҳаво транспортида эса 90 минг тоннани ташкил этди.

Икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг фаол йўналишлари инвестиция, саноат, қишлоқ хўжалиги, энергетика, фармацевтика, қурилиш ва бошқа соҳалардир. Бу саъй-ҳаракатларга қўшимча туртки бериш мақсадида қўшма Ҳалқаро саноат кооперацияси маркази ташкил этилди.

Ҳудудлараро алоқалар ўзаро ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишига сабаб бўлаётир. 2018 йилдан бошлаб икки томонлама ҳамкорликнинг янги механизми – Ҳудудлараро ҳамкорлик форуми ишга туширилди. Бугунги кунга қадар учта шундай форум ўтказилди. Икки давлатнинг чегарадош вилоятлари раҳбарлари ўзаро маҳсулот етказиб бериш, янги ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш масалаларида яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон ва Қозогистон тарихий, маънавий ва маданий яқинликдаги яхши қўшнилар, шунингдек, Марказий Осиё салоҳиятини мустаҳкамлаш, бутун минтақада тинчлик ва фаровонликни таъминлашга ҳисса қўшаётган ишончли стратегик ҳамкорлардир.

Ўзбекистон ва Қозогистон халқлари Марказий Осиёning қадимий тамаддунининг ворислари бўлиб, улар ўз аждодларининг анъаналари, қадриятлари, маданий-маънавий меросини асраб-авайлаб келмоқда. Ушбу муҳим омил икки давлат ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қиласяпти.

Тарихий алоқаларни мустаҳкамлашга, шунингдек, икки давлат ҳудудларида истиқомат қилаётган ўзбек ва қозоқ миллатлари вакиллари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Юртимиздаги қозоқ миллати вакилларининг ўз она тилини асраб-авайлаши учун барча шароитлар яратилган. Хусусан, юртимизда 400 та мактабда қозоқ тили ўқитилади, 162 та мактабда таълим фақат қозоқ тилида ташкил этилган. Қозоқ тилида олий ва касб-ҳунар таълими олиш учун Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Қорақалпоқ давлат университети, Гулистон давлат университети, Нукус, Жиззах ва Навоий давлат педагогика институтларида қозоқ тили ва адабиёти факультети ва кафедралари мавжуд.

Олий таълим соҳасида икки мамлакат университетлари ўртасида ҳамкорлик бўйича 280 дан ортиқ шартнома ва меморандумлар



түзилган. 2022 йил 22 декабрь куни Олий ва олий таълимдан кейинги таълим соҳасида ҳамкорлик тӯғрисида битим имзоланди.

Ўзбекистонда ҳар йили Қозоғистон олий ўқув юртларининг қўргазма ва ярмаркалари – Қозоғистон таълими кунлари ўтказилади. Уларда маҳаллий консалтинг компаниялари кўмагида Қозоғистоннинг 40 га яқин университетлари вакиллари қатнашади.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Қозоғистон олий ўқув юртлари ўртасида та қўшма таълим дастури амалга ошириляпти ва уларда 188 нафар талаба таҳсил олмоқда.

Бундан ташқари, икки мамлакат Фанлар академиялари ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. У анъанавий тарзда ихтисослашган институтлар даражасида амалга оширилади. Давлат раҳбарлари ўртасидаги мулоқотларда илм-фан, таълим, маданият, санъат, туризм, спорт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга интилиш қатъий таъкидланади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Қозоғистонда кўплаб маданий-маърифий тадбирлар – маданият ва кино кунлари, спорт мусобақалари ўтказилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг ижодий жамоалари икки мамлакатда ўтказилаётган халқаро танлов, фестиваль, ярмаркага ва қўргазмаларда мунтазам иштирок этмоқда.

2022 йилда Ўзбекистон бўйлаб қозоқ халқининг буюк фарзанди, маърифатпарвар шоир ва мутафаккир, эзгулик ва дўстлик кўйчиси Абай Қўнонбоев ҳаёти ва ижодига бағишлиланган тадбирлар бўлиб ўtdi. 2022 йил декабрь ойида Ўзбекистонга олий даражадаги давлат ташрифи чоғида икки давлат раҳбарлари буюк қозоқ шоири ва мутафаккири меросига бағишлиланган қўргазмани биргаликда томоша қилдилар.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, бундай тадбирлар яқин дўстона ришталарни мустаҳкамлаш баробарида, икки халқнинг шонли ўтмиши ва бугунги ҳаётига ўзаро қизиқишини яққол намоён этади.

Икки томонлама ҳамкорликнинг яна бир истиқболли йўналиши – бу туризmdir. Давлатларимизнинг географик жиҳатдан яқинлиги, шунингдек, улкан тарихий-маданий мерос ва сайёҳлик имкониятлари мавжудлигини инобатга олган ҳолда томонлар ягона туризм брендини яратиш ва сайёҳлик кластерларини ташкил этиш масаласини кўриб чиқмоқда.



2021 йил январь ойида Ўзбекистон ва Қозогистон ўртасида ўзаро сайёхлик оқимини кўпайтиришни назарда тутувчи “Йўл ҳаритаси” имзоланди. Ўзаро сайёхлик оқимини кўпайтириш йўналишидаги ишлар самараси ўлароқ, мамлакатимизга келаётган қозогистонлик туристлар сони изчил ортиб бораяпти. Хусусан, қўшни давлатдан юртимизга келаётган сайёхлар сони 2021 йилдан буён уч бараварга ошиб, 1,3 миллионга етди.

Бир сўз билан айтганда Ўзбекистон-Қозогистон ўртасидаги хамкорликнинг мавжудлиги икки давлат учун хам худди сув ва хаво каби мухимлиги билан бошқа хамкорлардан ажралиб туради. Шу сабабли ушбу далатлар ўртасида стратегик шерикчилик келгуси даврларда хам олиб борилиши рад этиб бўлмас хақиқатdir.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси. 30.04.2023й янги таҳрир
2. “Буюк келажагимизни мард ва олий жаноб ҳалқимиз билан қурамиз” Ш.М.Мирзиёев 2016 Тош.ш
- 3.Ўзбекистон Республикаси билан Қозогистон Республикаси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартнома (Тошкент, 2022 йил 22 декабрь)
- 4.Wikipedia манбааси